



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 29 март, № 61 (6496)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси олтидан



Қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили

Парламент назорати парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни, самарали ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ажралмас қисmidир. Бинобарин, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига Қонунчилик палатаси томонидан шу йил 10 мартда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун муҳофазаси киритилиши режалаштириляпти. Муҳабиримиз мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва ахамияти ҳақида Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ботир МАТМУРОТОВ билан суҳбатлашди.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизimini шакллантириш, қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ва назорат функцияларини кучайтириш мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг асосий йўналишига айланди. Янгиланишлар жараёнида юртимизда икки палатали парламент шакллантирилди. Пировардида эса Сенат минтақалар манфаатларини ифода этиб, Қонунчилик палатаси профессионал тарзда иш олиб бормоқда. Бу қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини оширишга, умумда давлат ва ҳудудий манфаатларнинг уйғунлашувига олиб келди.

Олий Мажлис фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг қабул қилиниши амалиётга жорий этилаётган қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурлари устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмларини белгилаб бериб, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ва амалдаги қонунларнинг таъсирчанлигини таъминлаш имкониятини яратди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил ноябрь ойида илгари сурилган

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролинини сезиларли даражада юксалтириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, қонунларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича ижро органлари масъулиятини кучайтиришга хизмат қилувчи ташаббуслар рўйбга чиқарилди. Мисол учун, 2014 йилда Асосий Қонунимизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан парламент назорати институти Олий Мажлиснинг энг муҳим ваколати сифатида конституциявий макромга эга бўлди.

Президентимиз парламент палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида конституциявий ислохотлар нуктаи назардан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифатидан янги асосда қурилиши лозимлигини сенатор ва депутатларга алоҳида таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Наврўз шукуҳи

БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўзга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун байрам мурожаатини маросим меҳмонлари ҳамда делегациялар эътиборига ҳавола этди.

ДУНЁ НИГОҲИ

У дўстлик, бирдамлик ва атраф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдек эзгу фазилатлар рамзи бўлган ушбу айёмнинг ўрни алоҳида эканлиги ҳамда бундай қадриятлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тамойил ва мақсадларига ҳамоханлигини таъкидлади. — Наврўз шодиёналари сарҳад билмайди, миллат танламайди, у кишиларни эзгуликка йўғрилган ришталар билан бирлаштириб, турли тафовутларни бар-тарafd этади, — деди ташкилот раҳбари.

Ушбу байрамни аънавий равишда нишонлайдиган БМТга аъзо давлатлар вакиллари ҳам тадбирда сўзга чиқиди. Баҳор, уйғониш ва табиат янгиланишининг рамзи ҳисобланадиган мазкур айёмга мамлакатимизда катта эътибор қаратилиши Ўзбекистон вакиллари томонидан қайд этилди. Унинг энг қўнна, чуқур мазмун-моҳиятига эга бўлган ва том маънодаги умумхалқ байрами эканлиги, республикамизда қадимги ҳамда шонли тарихга, бой маданият ва аждодлар меросига ғамхўрлик



билан муносабат мавжудлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Наврўз байрами кунлари мамлакатимиз аҳолиси ўз хурсандчилигини оила аъзолари, дўстлари билан баҳам кўриши, аънавий баҳор таомлари ила меҳмон қилиши, бир-бирига мустаҳкам сўхат-саломатлик, бахту иқбол ва фаровонлик тилаши, кексалар ҳолидан хабардор бўлиб туриши билдирилди.

Айтиб ўтилганидек, соғлом ҳамда баркамол авлод тарбияси, оила, оналик ва болалик ҳимояси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг энг муҳим устувор вакифаларидан бири бўлиб келмоқда. Тадбирда Президент Исрол Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани алоҳида таъкидланди.

Расмий маросим меҳмонлари ва БМТга аъзо давлатлар миссияларининг вакиллари эътиборига ўзбек халқининг бой маданий аънавлари ҳамда юртимизда Наврўз байрамининг нишонланиши ҳақида ҳикоя қилинувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» АА. Нью-Йорк

ТЕЗКОР ВА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ



Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Пировардида республикамизнинг энг олис ҳудудларида ҳам замонавий шарт-шароитлар асосида тиббиёт муассасалари бунёд этилиб, улар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Соғлом она ва бола йилида эса тиббий хизмат сифатини оширишга янада жиддий эътибор қаратиляптир. Таъкидлаш жоизки, юртимизда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишга шошилган ёрдам тизими алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда энг юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифоналари ҳамда улар-

2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

нинг шаҳар ва туман бўлими қоидага тез тиббий ёрдам хизмати бўлимида муллака янгича тизим шакллантирилди. Ушбу тизим асосида ҳозирги пайтда Республика шохилинч тиббий ёрдам марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, республикамиз туман ва шаҳарларида унинг бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 602 та тез тиббий ёрдам шохоб-

часи ташкил қилиниб, уларда 1580 та тез тиббий ёрдам бригадаси фаолият юритиб келаяптир. Пойтахт аҳолисига эса ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш учун битта марказий станция ва 12 та тумандаги шохобчаларда 138 та тез тиббий ёрдам бригадаси фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини тако-

миллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 — 2015 йиллар мобайнида тез тиббий ёрдам хизмат автопарки 856 та ихтисослаштирилган автомашина билан тўлдирди. Шулардан 110 таси “Hyundai” реанимобибли (ЭКГ, дефибриллятор ва электросўғич аппаратлари билан жиҳозланган), 719 таси “Дамас” махсус автомашинаси ҳамда 27 таси реанимобил бўлиб, тез тиббий ёрдам тизимини махсус автотранспорт билан таъминлаш даражаси 78 фоиздан 92,8 фоизгача оширилди ва уларнинг сонини қарийб 2000 га етди.

(Давоми 2-бетда).

GERMANIA TASHKI ISHLAR VAZIRINING OZBEKISTONGA TASHRIFIGA DOIR

Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер 2016 йил 30 март куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ташриф дастуридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов билан учрашув, мамлакатимиз ҳукуматида музокаралар ўтказиш ўрин олган бўлиб, уларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар муҳокама қилинади.

OAV VAQILLARI PUXTA BILIM EGALLASHMOQDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги қарори билан тасдиқланган 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир Тадбирлар режаси ижроси доирасида маҳаллий ОАВ вакиллари учун ҳудудий ўқув-семинарлар уюштирилмоқда.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Шундай тадбирлардан бири Қарши шаҳрида ўтказилди. “Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли” мавзудаги мазкур ўқув-семинарда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолият олиб бораётган босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидан “Маҳалла” фонди ва бошқа манфаатдор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилган анжуман чоғида журналистлар фуқаролар йиғинлари сайлови билан боғлиқ билимларини мустаҳкамлади.

Тадбирда шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари сайловиди 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши муължалланаётгани, бу жараён тадбирнинг ҳар бир иштирокчисидан, шу жумладан, журналистлардан пухта билим ва юксак масъулиятни талаб қилиши алоҳида таъкидланди. Қолаверса, бу галги сай-

лов жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизациялаш амаллари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтказилаётганлиги унинг ташкилотчилари зиммасига катта масъулият юқлайди. Шу маънода, ўқув-семинар ОАВ вакиллари учун айни муддаодир. Зеро, икки кун давомида улар Олий Мажлис Сенати аъзолари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Халқ таълими вазирилари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат ташкилотлари муваххиссарларининг мавзу билан боғлиқ маърузаларини тингладилар.

Тадбир иштирокчилари маҳалла институтининг юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин эгаллаётганини алоҳида эътироф этишди.

(Давоми 2-бетда).

Tajriba va tashabbuslar mайдони

АНДИЖОНда IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда илмий тадқиқот институти, тажриба-конструкторлик ҳамда олий таълим муассасаларининг икки юз эллиқдан зиёд ишланмалари, ғоялари намойиш қилинди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилган тадбирга ташриф буюрганлар қишлоқ ҳўжалик эканларининг ҳосилдор ва эртапишар янги навлари, ўсимликларни зараркунданлардан ҳимоя қилиш воситалари, машинасозлик, энергия тежамкор технологиялар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Масалан, Андижон машинасозлик институти томонидан жами 49 та ишланма ҳамда инновацион ғоя тақдим этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ



Ўзбекистон юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларга эга мамлакатлар рейтингига Норвегия, АҚШ ва Финляндия каби ривожланган давлатлардан юқори, яъни 17-ўринни эгаллади. Европадаги сайёҳлик соҳасига ихтисослаштирилган нуфузли “GoEuro” наشري томонидан тузилган “Global High-Speed Train Ranking” жадвалига бу борада дунёда энг илгор бўлган 20 та мамлакат киритилди. Эътиборлиси, Марказий Осиё бўйича фақат Ўзбекистонгина ундан жой олди.

Экспертлар томонидан ушбу рўйхатни шакллантиришда мунтазам қатнайдиган поездларнинг рекорд ва операция тезликлари, тезоравар ҳамда аънавий темир йўл магистралларининг ўзаро фоиз нисбати, тезоравар поездларда аҳолининг қамраб олиниши даражаси ва бир километрлик масофа учун умумий йўл ҳақи каби кўрсаткичлар инобатга олинди. Таъкидланишича, юртимизда бу борадаги энг юқори тезлик соатига 255 километр, операция тезлик эса 250 километрни

ташкил этади. Ўз навбатида, бизнинг темир йўл инфратузилмаимизда учқур транспорт воситаларининг улуши 8,21 фоизга тенг. Республикаимиз шу йўналишда олтинчи ўринда бўлиб, диёримиз аҳолисининг 9,01 фоизи эса ана шундай замонавий поездлар хизматидан фойдаланиш имкониятига эга. Айни чоғда ҳар бир километр учун белгиланган йўл ҳақи мезони бўйича мамлакатимиз 11-погонани банд этган.

С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

Жаҳон рейтингига етакчилар қаторида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲОКИМЛИКЛАРИ, ВАЗИРЛИКЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚўШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ректорати 2015/2016 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади.

Шу муносабат билан битирувчи ёш мутахассисларга сиз раҳбарлик қилаётган муассаса, ташкилот ва корхонангизда эҳтиёж мавжуд бўлса, университет мониторинг, маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳри миқёсида университетни тугатаётган юқори малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни қуйидаги жадвалда сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз.

| Т/Р | Йўналишлар номи | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|--------------|--|-------------------------------|-------------|--|-------------|------------------------------|-----------|-----------------|-----------|----------------|-----------|----------------|-----------|----------------|-----------|------------------|-----------|-------------------|-----------|--------------------|------------|-----------------|-----------|-----------------|------------|-----------------|-----------|----------------|-----------|-------------------|------------|---------------|------------|----|--|
| | | Битирувчиларнинг умумий сони | | Вилоятлар бўйича битирувчиларнинг сони | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Тошкент вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Тошкент шаҳри | | | |
| БАКАЛАВРИАТ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси | 8 | 23 | 7 | 15 | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | | | 3 | 5 | | | 1 | | 1 | 7 | 1 | 8 | |
| 2. | Касб таълими: нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 5 | 11 | 4 | 8 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | 3 | 5 | 1 | 3 | |
| 3. | Касб таълими: радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар | 7 | 19 | 6 | 16 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 4 | | | | 4 | 8 | 1 | 3 | | |
| 4. | Касб таълими: электр энергетикаси | 8 | 20 | 8 | 14 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 5 | | | | 3 | 4 | | 6 | | |
| 5. | Дизайн (тармоқлар бўйича) | 10 | 14 | 3 | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | 7 | | 11 | | |
| 6. | Менежмент (тармоқ ва соҳалар бўйича) | 9 | 21 | 4 | 10 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 5 | 5 | 11 | | | |
| 7. | Маркетинг (тармоқ ва соҳалар бўйича) | 9 | 11 | 6 | 8 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | 1 | 4 | 3 | 3 | | |
| 8. | Энергетика (тармоқлар бўйича) | 82 | 126 | 66 | 98 | | | 0 | 0 | 4 | 7 | 4 | 2 | 3 | 6 | 1 | 2 | 5 | 3 | 3 | 7 | 8 | 14 | 19 | 35 | 1 | 1 | | 5 | 18 | 18 | 16 | 28 | | |
| 9. | Электр энергетикаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 90 | 148 | 69 | 111 | 3 | 4 | 1 | 2 | 3 | 3 | 2 | 0 | 8 | 8 | 3 | 1 | 5 | 8 | 9 | 12 | 1 | 6 | 15 | 26 | 1 | 1 | 4 | 6 | 14 | 34 | 21 | 37 | | |
| 10. | Металлургия | 44 | 45 | 42 | 38 | | | | 1 | | | 6 | 3 | 3 | 1 | | 3 | 1 | 2 | 4 | 5 | 3 | 5 | 2 | 2 | 15 | 10 | | 7 | 7 | 2 | 7 | | | |
| 11. | Авиасозлик ва ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш | 10 | 16 | 7 | 12 | | | 0 | 0 | 1 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | 1 | 1 | 3 | 4 | | | |
| 12. | Автомобилсозлик ва тракторсозлик | 10 | 18 | 7 | 12 | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 8 | | | | 1 | 3 | 3 | 6 | | | |
| 13. | Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича) | 29 | 45 | 23 | 38 | 1 | 2 | | | | | 3 | 2 | 1 | 3 | 1 | | | 6 | 2 | 4 | 1 | | 5 | 8 | 1 | 1 | 7 | 1 | 11 | 6 | 7 | | | |
| 14. | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари | 2 | 7 | 2 | 7 | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | | 2 | 1 | | | | | 2 | | | | | |
| 15. | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича) | 52 | 130 | 41 | 96 | 1 | 3 | 2 | 1 | 1 | 3 | 1 | | 2 | 2 | 2 | | 3 | 2 | 3 | 13 | 2 | 5 | 13 | 34 | 1 | 1 | 6 | 10 | 26 | 11 | 34 | | | |
| 16. | Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича) | 29 | 48 | 19 | 30 | 1 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | 9 | 1 | | 1 | 1 | 8 | 14 | 10 | 18 | | | |
| 17. | Асбобсозлик | 11 | 27 | 7 | 22 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | 2 | 10 | | | | 2 | 4 | 4 | 5 | | | |
| 18. | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) | 30 | 65 | 18 | 36 | | | | | | | 7 | 1 | | | | | 1 | 1 | | 4 | | 2 | 4 | 11 | | 2 | | 1 | 4 | 10 | 12 | 29 | | |
| 19. | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) | 52 | 70 | 41 | 54 | 0 | 3 | 0 | 2 | 3 | 1 | 0 | 1 | 1 | 9 | 1 | 0 | 5 | 2 | 3 | 3 | 2 | 1 | 9 | 12 | 1 | 3 | 1 | 2 | 15 | 15 | 11 | 16 | | |
| 20. | Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (авиацияда) | 10 | 18 | 9 | 13 | | | | | | | | | | | | | | 0 | 1 | 2 | 2 | | 2 | 4 | | | | 3 | 1 | 1 | 5 | | | |
| 21. | Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар | 21 | 46 | 15 | 28 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | 1 | 3 | | | 2 | 6 | | | 9 | 11 | 6 | 18 | | | |
| 22. | Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича) | 21 | 38 | 17 | 23 | | | 1 | 1 | | 1 | | | 2 | 6 | 1 | | | 1 | 1 | 2 | | | 6 | 10 | | | | 2 | 4 | 4 | 15 | | | |
| 23. | Кончилик иши | 48 | 75 | 48 | 48 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | | | 1 | 4 | 7 | 4 | 4 | 1 | 17 | 11 | | 6 | | 15 | 10 | | | 10 | | | 27 | | | |
| 24. | Фойдаланиш қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича) | 40 | 73 | 38 | 69 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 5 | 10 | 1 | 2 | 1 | 2 | 9 | 18 | 2 | 4 | | |
| 25. | Фойдаланиш қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (нефть ва газ геологияси) | 30 | 49 | 21 | 36 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 1 | 1 | | 7 | 11 | 9 | 13 | | |
| 26. | Гидрогеология ва муҳандислик геологияси | 7 | 18 | 5 | 12 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | 2 | 8 | 2 | 6 | | | |
| 27. | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 22 | 62 | 17 | 39 | 3 | 6 | 1 | 4 | | 2 | | | 1 | | | | | | | | | | 2 | 6 | | | | 5 | 9 | 5 | 23 | | | |
| 28. | Нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш | 13 | 40 | 7 | 28 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 5 | | 4 | 1 | 2 | 1 | 4 | 3 | 9 | 6 | 12 | |
| 29. | Материалшунослик ва янги материаллар технологияси | 29 | 48 | 28 | 39 | 2 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 3 | | | 2 | 3 | 16 | 24 | 1 | 3 | 7 | 1 | 9 | | | |
| 30. | Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш | 45 | 59 | 41 | 48 | 1 | | | 2 | 1 | 3 | 1 | | | | 7 | 4 | 2 | | 7 | 3 | 1 | 1 | | 9 | 25 | 1 | 3 | 1 | 7 | 10 | 4 | 11 | | |
| 31. | Технологик машиналар ва жиҳозлар (нефть-газ саноати машиналари ва жиҳозлари) | 28 | 45 | 21 | 31 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 8 | | | | 14 | 11 | 7 | 14 | | | |
| 32. | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | 39 | 46 | 36 | 39 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 14 | 17 | | | 7 | 6 | 3 | 7 | | | |
| 33. | Биотехнология (тармоқлар бўйича) | 8 | 13 | 4 | 11 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 6 | | | | | | 4 | 2 | | | |
| 34. | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси | 34 | 47 | 23 | 34 | 1 | 1 | 2 | 2 | | 1 | | | | | | | | | 4 | 6 | 6 | | 1 | 4 | 3 | 2 | 4 | 1 | 7 | 8 | 11 | 13 | | |
| 35. | Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича) | 10 | 17 | 4 | 8 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 4 | 4 | | | 1 | 2 | 1 | 6 | 9 | | |
| 36. | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (авиацияда) | 8 | 7 | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 4 | 3 | |
| 37. | Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) | 9 | 30 | 7 | 21 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 7 | | | 3 | 2 | 1 | 4 | 2 | 9 | |
| 38. | Хаводаги ҳаракатни бошқариш | 7 | 16 | 5 | 11 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 4 | 3 | | | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 | 5 | | |
| 39. | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 9 | 20 | 5 | 8 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | | | 3 | | 4 | 4 | 12 | | |
| 40. | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 5 | 22 | 2 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 5 | | | | | 3 | 3 | 13 | | |
| Жами: | | 940 | 1653 | 737 | 1187 | 17 | 31 | 15 | 27 | 42 | 42 | 21 | 33 | 65 | 78 | 23 | 16 | 69 | 88 | 59 | 115 | 19 | 38 | 181 | 340 | 15 | 33 | 34 | 36 | 177 | 310 | 203 | 466 | | |
| МАГИСТРАТУРА | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Касб таълими (ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) | 2 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | 3 | |
| 2. | Дизайн (саноатда) | 1 | 4 | 0 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| 3. | Гидроэлектростанциялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари | 1 | 2 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Иссиқлик энергетикаси | 3 | 5 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Иссиқлик техникаси (қўлланувчи объекти бўйича) | 2 | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Электр таъминоти (шаҳарлар ва ишлаб чиқаришда) | 3 | 7 | 2 | 7 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича) | 2 | 4 | 0 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Электр станциялари | 4 | 4 | 3 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | Электр энергетика тизимлари ва тармоқлари (фаолият турлари бўйича) | 2 | 5 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Металлургия (металл турлари бўйича) | 4 | 3 | 3 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 11. | Металлургия машиналари ва жиҳозлари (қуймакорликда) | 3 | 1 | 3 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | Қуймакорлик ишлаб чиқариш технологияси (турлари бўйича) | 2 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 13. | Қора ва рангли металл ва уларнинг қотишмаларидан прокатлаш жараёнлари | 2 | 0 | 2 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 14. | Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдал | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

(Давоми. Бошланчи 3-бетда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

| Т/Р | Йўналишлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | | Вилоятлар бўйича битирувчиларнинг сони | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Андажон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Тошкент вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Тошкент шаҳри | | | |
|--------------|--|------------------------------|------------|--|------------|------------------------------|----------|-----------------|----------|----------------|-----------|----------------|----------|----------------|----------|------------------|----------|-------------------|-----------|--------------------|-----------|-----------------|----------|-----------------|-----------|-----------------|----------|----------------|----------|-------------------|-----------|---------------|-----------|---|---|
| | | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | | |
| | | МАГИСТРАТУРА | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 33. | Кончилик геологияси ва геофизикаси | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 34. | Гидрогеология | 2 | 2 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 35. | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 3 | 8 | 2 | 7 | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 36. | Нефть-газ конларининг машина ва жиҳозлари эксплуатацияси | 2 | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 37. | Нефть ва газ кудукларини бургилаш | 2 | 6 | 1 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 38. | Материалшунослик ва материаллар технологияси (тармоқлар бўйича) | 3 | 3 | 3 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 39. | Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқаришда) | 12 | 5 | 11 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 40. | Энергиямашинасозлик (тармоқлар бўйича) | 1 | 2 | 0 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 41. | Машинасозликда технологик жараёнлар ва тизимларни автоматлаштириш | 3 | 2 | 1 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 42. | Нефть-газ саноати машиналари ва жиҳозлари | 4 | 9 | 3 | 6 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 43. | Тиббиёт ва биотехнология машиналари ва жиҳозлари | 2 | 1 | 0 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 44. | Тиббий-биологик аппаратлар, тизимлар ва мажмуалар (аппаратларнинг диагностикаси) | 1 | 1 | 0 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 45. | Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари | 2 | 7 | 1 | 6 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 46. | Радиотехник қурилмалар ва алоқа воситалари | 2 | 5 | 0 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 47. | Қишлоқ хўжалик техникасини лойиҳалаштириш ва конструкциясини ишлаш | 1 | 0 | 1 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 48. | Хаводаги ҳаракатни бошқариш ва аэронавигация | 1 | 1 | 0 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 49. | Атроф-муҳит муҳофазаси (саноатда) | 2 | 5 | 0 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 50. | Металлургия машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Жами: | | 121 | 175 | 83 | 130 | 2 | 8 | 4 | 5 | 7 | 18 | 2 | 2 | 12 | 6 | 2 | 3 | 7 | 11 | 6 | 10 | 3 | 4 | 17 | 16 | 3 | 4 | 1 | 1 | 17 | 42 | 38 | 45 | | |

Изоҳ: Г — давлат гранти асосида, Ш — тўлов-шартнома асосида.

Сиз ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган барча маълумотга эга бўласиз. Таклифлар билан университетнинг мониторинг, маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТЕЛЕФОН: (0-371) 246-88-70.

Дипломатларнинг шахмат мусобақаси

Пойтахтимизда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ходимлари ўртасида XII шахмат турнири бўлиб ўтди.

ТУРНИР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарида хизмат кўрсатиш бошқармаси ва Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу аънанавий мусобақани ўзига хос жаҳон чемпионатига қиёсласак, муболага қилмаган бўлаемиз. Сабаби унда АҚШ, Хитой, Германия,

— Ўзбекистонда шахмат энг сеvimли спорт турларидан бири эканидан яхши хабардорман, — дейди Хиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Винод Кумар. — Юртингизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. “Ақл гимнастикаси” бўйича ташкил этилаётган халқаро мусобақаларда доимо



Франция, Россия, Латвия, Руминия, Хиндистон, Индонезия, Бангладеш, Вьетнам, Туркменистон, Афғонистон, Фаластин, Қозғоғистон каби давлатлар элчихоналари жамоалари, БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, “Lukoil Uzbekistan Operating Company” масъулияти чекланган жамияти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ва дипломатия университети вакиллари голиблик учун кураш олиб борди.

совриндорлар қаторидан жой олиб келаётгани уларнинг интеллектуал салоҳияти юксаклигини яққол тасдиқлайди. Кези келганда алоҳида айтишни истардимки, ушбу турнир ажойиб маданий ҳордиқ онларни тақдим этувчи мусобақадир. Унда қатнашиш биз учун катта шараф.

— Баҳсларда завқу шавқ билан иштирок этдик, — дейди Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс. — Турнир давомида эса кўтаринки кайфият ҳамда дўстлик муҳити ҳуриронлик қилди. Яқинда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари голибликка эришди. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети вакиллари иккинчи, Афғонистон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда “Lukoil Uzbekistan Operating Company” масъулияти чекланган жамияти ҳаваскор шахматчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Беллашув Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ қондаларига мувофиқ, Швейцария тизими асосида ўтказилди.

Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЭХТИРОМ

Истиклол йилларида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан бири миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган беқиёс ишлардир. Мазкур жараёнда улуг бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни кенг тарғиб этиш устувор вазифалардан саналади.

Тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи

Жумладан, 1996 йил мамлакатимизда “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Бобокалонимизнинг 660 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз шаҳарларида Соҳибқиронга ҳайкаллари ўрнатилди. Қолаверса, пойтахтимизда Темурийлар тарихи Давлат музейи қад ростлади. Бундан ташқари, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди фаолияти йўлга қўйилгани ҳамда Амир Темур орденининг таъсис этилгани мамлакатимиз маънавий ҳаётидаги унутилмас воқеалардан саналади. Зотан, ушбу орден билан давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Ватанимиз равақига салмоқли хисса қўшаётган юртдошларимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлмаган шахслар ҳам муқофотланши мумкин.

Президентимизнинг “Юксак маънавий — энгилмас куч” асаридида шундай қилинди: “...буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”.

Ҳақиқатан ҳам бу зотнинг ҳарбий даҳоси фаолиятининг бир қирраси, холос. Аслида Соҳибқирон бунёдкорлик, илм-фанга ҳомишлик қилиш, ободончилик борасида беқиёс ибрат кўрсатган. Бинобарин, қаердан бир гишт олган бўлса, ўрнига ўнтасини қўйдирган, бир дарахт кестирган бўлса, ўша жойга ўнта ниҳол экирган, қайси манзил вайрон бўлса, ўша ерни қайтадан таъмирлаган, булоқ қўрса, ўша жойни обод этиб, боғу бўстонга айлантирган буюк ҳукмдордир. Ушбу далилларни тарихий манбалар яққол тасдиқлайди.

Унинг “Темур тузуқлари” китобини адолат, эзгулик ҳамда яхшиликнинг тараннуми, дейиш мумкин. Боиси унда ўз шахсияти, адолатли сиёсати тўла-тўқис намёнён этирилган. Мазкур нодир асарнинг 2011 йилда Юртбошимиз сўзбошимчи билан мукамал ҳолда чоп қилингани ўзига хос воқеадир. Китобни мутолаа этган киши бой маънавий ўғит олади, янги қарашларга эга бўлади. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда: “Шахсан мен “Темур тузуқлари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий кучкуват тоналгандек бўламан... Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, аزمи қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар

долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён”, деган эди. Амир Темурнинг адабиёт, санъат, маданият, савдосотиқ ва бошқа соҳалар ривожига қўшган хиссаси таҳсинга сазовор. Айтилик, тарихчи олим Тожиддин Аҳмадийни музаффиқ чорлаб, Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонуллари”ни илк бор тилимизга ўғиртирган. Бухорои шарифга отдан тушиб, курул-яроқсиз киргани, Самарқанд шаҳри атрофида бири-бирдан гўзал боғлар яратгани, олимлар билан тахтанга тушиб, суҳбатлашганининг ўзиёқ жуда катта маънавий ибратдир. Шу билан бирга, у Али Шатранжий Самарқандийга кенг имконият яратиб бериб, шахмат соҳаси ривожига катта хисса қўшди. Уша даврда 60 та манзума тўпланиб, ажойиб рисола битилгани сўзимиз тасдиғидир. Зотан, “Шатранжи кабир” эса у зотнинг энг сеvimли машғулотли бўлиб, бир вақтда тўрт киши билан 4 та шахмат тахтасида гоийбона ўйнай ойдилгани тарихий битикларда қайд этилган.

Буюк бобомизнинг амалга оширган эзу ишлари, давлатни бошқариш санъ-

ати, қолаверса, пурҳикмат ўғитларини халқимиз, хусусан, ёшларимиз орасида кенг тарғиб этиш долзарб масалалардан саналади. Бу борада Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фондининг алоҳида ўрни бор. Зеро, темуршунос олим-

лар, адиблар, маҳалла фаоллари ҳамда таълим муассасалари йигит-қизлари иштирокида ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманларнинг аҳамияти катта бўлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Амир Темур таваллудининг 680 йиллигини ўтказишга оид баёнига биноан Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан “Амир Темур чет элликлар нигоҳида”, “Амир Темур қалбида чакнаган нур”, “Буюк салоҳият соҳибини” каби китоблар чоп этилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда ушбу қутлуг санага катта тайёргарлик кўрилмоқда. Спорт мусобақалари, турли кўриктанловлар уюштирилади. Амир Темур ҳаётига оид энг яхши бадиий-публицистик асарлар ҳамда энг яхши санъат асарлари сараланиб, голиблар тақдирланади. Жорий йилнинг май ойида Нидерландиянинг Лейден университетидида Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтганда, Амир Темур сиймоси ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган хиссасини рўйирифт намёнён эта олади.

Тўлқин ҲАЙИТОВ, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди расийнинг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Самарқандга саёҳат

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган ушбу тадбир ўқувчи-ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ёш саёҳатчилар

Самарқанднинг тарихий обидалари — Бибиҳоним, Шоҳи Зинда, Амир Темур макбаралари, Регистон мажмуаси каби қадам-жолардан катта таассуротлар билан қайтишди.

Аббос ЭРГАШЕВ.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ташаббуси билан пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларининг қадимий ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

ахборотларни муҳофаза қилиш мақсадида Info Watch DLP дастури лицензияларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари кўрсатидаги батафсил маълумотларни тўғридаги манзилдан олиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Тел./факс: (0-371) 233-32-50, 120-45-21.
Ички телефон: 10-91.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 15 апрель соат 18.00 гача қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ичхам, кулай ва камҳаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6 ва 9 от қучига эга.

Дизель ҳамда бензин ёнилғисидида ишлайди.

Махсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

www.motoblok.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртоғов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.